



“ҲИДОЯ” АСАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ ТУРЛИ ТИЛЛАРДАГИ ТАРЖИМАЛАРИ

¹Бекмирзаев Илхомжон Исроилжонович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Исломшунослик ва ислом цивилизацияси тарихини ўрганиш

ISESCO” кафедраси доценти, тарих фанлари доктори

e-mail. ilhomorient@gmail.com, Қўл. 99-8538090,

²Икромжонов Акмалжон Маҳмуджонович

Ориентал университети, Катта ўқитувчиси

Қўл. 90-1398198.

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p4-168>

ARTICLE INFO

Received: 16th February 2023

Accepted: 26th February 2023

Online: 28th February 2023

KEY WORDS

Бурҳонуддин Марғиноний, Ҳидоя, Мухтасар ал-Қудурий, Жомеъ ас-Сағир, Муҳаммад Шайбоний, Ҳанафий мазҳаби, фикҳ, фақиҳ, Бидоятул-мубтади, Кифоят ал-Мунтаҳи.

ABSTRACT

Фақиҳларнинг бир неча авлодларининг олиб борган фаолиятлари туфайли Мовароуннаҳр мактабининг анъаналари ва унинг намоёндалари асарлари ҳанафийлик мазҳабида бўлган турли минтақаларда кенг тарқалди. Мовароуннаҳрлик муаллифларнинг асарлари фикҳ амалиётида қўлланма сифатида ҳам, талабаларни ўқитишда дарслик сифатида ҳам фойдаланилди.

Мана шундай алломалардан бири Бурҳонуддин ал-Марғиноний (ваф. 1196 й.) эдилар. Бу улўф зотнинг тўлиқ исмлари – Бурҳониддин Али ибн Аби Бакр ибн Абдужалил ар-Рошидоний ал-Марғиноний ал-Фарғоний. «Шайхулислом» ва «Соҳиб ал-Ҳидоя» атамалари билан машҳурдир. кўпинча фақиҳларнинг «Китоб ал-Ҳидоя»ни ўзлаштиришдаги иснодлари алоҳида келтирилиши, кўплаб шарҳланиши Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг мазкур асари катта обрўга эга эканлигига далолат қилади. Ушбу мақолада “Ҳидоя” асарининг таркибий тузилиши ва ун бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлинади.

Кириш. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар томонидан яратилган 20га яқин фикҳий манба Муҳаммад ибн Хасан Шайбоний (р.х.)нинг «ал-Жомеъ ас-Сағир» асарини шарҳлашга бағишланган бўлиб Мовароуннаҳр фақиҳлари ўша даврда бу манбани ёдлар эдилар. Бурҳонуддин Марғиноний (ваф. 593/1197 й.) эса, ушбу ёзилган асарларни ҳажм жиҳатидан катта бўлгани, ўқувчига уни ўзлаштиришда қийинчилик туғдиргани учун ҳажм жиҳатидан кичик, мазмун жиҳатидан эса, барча фикҳга доир мавзуларни ўз ичига қамраб олган, ўқувчилар ёдлаб олишларига ва керакли фикҳий масалани осон топишда қулай бўлган асар яратишни олдиға мақсад қилган эди. Бурҳонуддин Марғиноний тахминан, 1165 йилда Боғдодга келганида Қудурийнинг «Мухтасар ал-Қудурий» асарини тасавуридаги фикҳга оид ёзилган асарлар ичида энг муносиб манба экани ва



у асар ўзига жуда манзур бўлганини таъкидлайди¹. Натижада у дастлаб, Муҳаммад Шайбонийнинг «ал-Жомеъ ас-Сағир» ва Қудурийнинг «Мухтасар ал-Қудурий» асарлари асосида «Бидоятул-мубтади» асарини ёзади. Муаллиф кейинчалик ушбу асарига «Кифоят ал-Мунтаҳи» номли шарҳ ёзди. Лекин ушбу ёзган шарҳини хажм жиҳатидан катта бўлиб кетгани сабабидан ўқилмай қолишидан қўрқди. Шундан сўнг, Бурҳонуддин Марғинович «Бидоятул-мубтади» асарига аввалги «Кифоят ал-Мунтаҳи» шарҳига нисбатан қисқа, замондош фақиҳлар томонидан ишлаб чиқилган ва барча соҳаларда ҳанафий фикҳини ўзида мужассам қилган асари «Ҳидоя»ни ёзишга киришди². Муаллиф ушбу «Ҳидоя» асарини ўн уч йил давомида, рўзадор ҳолатида ихлос ва илмга муҳаббат билан ёзди. У кишини ушбу ихлоси кейинчилик “Ҳидоя”ни то ҳозирги кунимизга қадар илм аҳлининг эътиборидан тушмаган мўътабар манба ўлароқ етиб келишига сабаб бўлди. Бурҳониддин Марғинович ушбу «Ҳидоя» асарини ҳижрий 573/1177 йил зулқаъда ойининг 4-куни ёзиб тугатган.

“Ҳидоя” асарини ўз замонасида машҳур қилган Бурҳонуддин Марғиновичнинг энг яқин шогирди – Шамсул-аймма Муҳаммад ибн Абдусаттор Кардарий (ваф. 642/1244 й.) ҳисобланади. Шамсул-аймма Кардарий шу билан бир пайтда Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода (ваф. 573/1177-78 й.), Аҳмад ибн Абу Бакр Собуний (ваф. 580/1184-85 й.), Умар ибн Бакр Заранжарий (ваф. 584/1188-89 й.), Аҳмад ибн Муҳаммад Аттобий, Ҳаммод ибн Иброҳим Саффор, Фахруддин Қозихон, Умар ибн Муҳаммад Ақилий (ваф. 596/1199-1200 й.), Маҳмуд ибн Аҳмад Форйобий (ваф. 607/1210-11 й.) каби замонасининг машҳур фақиҳлари қўлида ўқиган ва улар номидан ривоят қилиш ҳуқуқига (*ал-ҳаққ би-р-ривоя*) эга бўлган. Кафавий Шамсул-аймма Кардарийни муқаллид ҳанафий фақиҳларининг учинчи табақасига киритган.³

Асосий қисм. Бурҳонуддин Марғинович 511/1118 йили ражаб ойининг саккизинчи куни душанбада чошгоҳ пайтида таваллуд топган. Аллома умрининг асосий даврини Самарқандда ўтказиб, 593/1197 йили Самарқандда вафот этган ва Чокардиза қабристонига дафн қилинган⁴.

Марғиновичлар сулоласи Мовароуннаҳр фикҳ мактаби тарихида Марғиновичлар сулоласининг ўрни беқиёсдир. Умуман, *Марғинович* машҳур фақиҳлар сулоласининг

¹ Саид Бектош. “Таҳқиқ ал-Ҳидоя”. – Мадина ал-Мунаввара: Дор ас-сирож, 2019.- Ж.1. – Б.7.

² Ўзбекистонда Бурҳонуддин Марғиновичнинг илмий мероси, хусусан “Ҳидоя” асари борасидаги дастлабки тадқиқотлар шарқшунос олим Одил Қориев томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошланган. Одил Қориев ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлғамалар хазинасида асарнинг энг қадимий нусхаларидан бири сақланишини аниқлади. Бу қўлғам ҳозирча фанга маълум бўлган энг қадимий икки нусхадан бири бўлиб, у 1280 йилда кўчирилган. Шунингдек, “Ҳидоя” асарининг бундан-да қадимийроқ бўлган яна бир нусхаси 1206 йилда кўчирилган ва у Истанбулда сақланади. Маълумот учун қаранг: Одил Қориев. “Бурҳонуддин ал-Марғинович - ҳуқуқшунос” / «Шарқшунослик» тўплами. Т., 1993й. №4. Б.71-75; Шунингдек, Қирғизистоннинг Ош шаҳридан бўлган ва ҳозирда Туркиянинг Карабук университети Илоҳиёт факультети профессори Айтмамат Қориев Бурҳонуддин Марғинович ҳаёти ва илмий мероси доирасида туркум илмий рисола ва мақолалар эълон қилиб бормоқда. Ҳозирда илоҳиёт факультети магистр ва талабаларига “Ҳидоя” асаридан дарс беради. Маълумот учун қаранг: Dr. Aitmat Kariev. Burhaneddin el-Merginani'nin “el-Hidâye” isimli eseri ve hukuk ilmindeki yeri // Orta Asya alimlerinin islam medeniyetine katkıları: Kongreler dizisi (10-12 Ekim 2018 Bişkek / Kirgizistan). – 11s.

³ Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. «Мунтахаб а'лом ал-ахёр фи табақот ҳанафий ал-мухтор». – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлғамалар фонди // Қўлғам № 91. – В. 98^б–155^а

⁴ Лыкошин Н.С. Автор Хидая // Туркестанские ведомости. 1907. № 106. – С. 64.



исми ва насаби сифатида танилган. Улар Фарғона водийсининг ҳозирги Марғилон (Марғинон) шаҳрида яшаганликлари учун, *Марғиноний* номи билан шуҳрат қозонган.

Бурҳонуддин Марғинонийнинг илмий мероси Бурҳонуддин Марғиноний ёшлигиданоқ тинимсиз илм ўрганди ва ҳанафий мазҳаби бўйича ўз даврининг буюк фақиҳи даражасига кўтарилди. Унинг фикҳ илми бўйича бундай юксак даражага кўтарилиши учун қуйидаги омиллар сабаб бўлди:

Биринчидан, у олий истеъдод, ўткир тафаккур эгаси ва илм-фан шайдоси эди. Илмга қизиқиш уни узоқ сафарларга чорлаб, ўша даврнинг асосий фанларини ўзлаштириши учун имкон яратиб берди.

Иккинчидан, у яшаган давр Шарқ уйғониш даврининг биринчи босқичи бўлмиш IXXII асрларга, яъни Ўрта Осиёда жамият тараққиёти учун фикҳ илмига катта зарурат туғилган бир даврга тўғри келди. Фикҳ илми бўйича у ёзган асарлар, айниқса, «Ҳидоя» китоби ўша давр ҳуқуқий муаммоларини ечиб беришга қаратилган эди.

Учинчидан, Марғинонийнинг Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (р.х.) асос солган ҳанафий мазҳаби, яъни ҳуқуқий мактабига мансублиги ҳам унинг ўсиб, камолот чўққисига кўтарилиши учун катта омил бўлди. Негаки, Абу Ҳанифа шариатнинг учта асосий манбаси (Қуръон, Сунна, ижмо)дан кейин, тўртинчи манба бўлмиш рационал манба, яъни қиёсга бошқа мазҳабларга нисбатан кўпроқ эътибор қаратгани билан ажралиб туради. Шунингдек, халқ ичида ёйилиб, уларнинг ҳаётига сингиб кетган урф-одатлар ҳанафий мазҳабида ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда қўшимча манба сифатида кенгроқ кўламда қўлланилади.

Мазкур омиллар, айниқса, ҳанафий мазҳабининг раъй ва қиёсга таянгани Бурҳонуддин Марғинонийга ўз малакасини ошириб, ислом ҳуқуқи фалсафасининг туб моҳиятини англаб олиш ва бу чексиз соҳада эркинлик билан фикр юритиш учун муносиб шароит яратиб берди.

«Ҳидоя» асарининг 200дан ортиқ қўлёзма нусхалари бугунги кунда дунёнинг кўплаб қўлёзма фондларида жумладан, Кувайт (ал-Кувайт), Тунис (Тунис), Саудия Арабистони (Макка, Жидда, Тоиф), БАА (Абу Даби), Сурия (Дамашқ), Қатар (Доха), Германия (Берлин), Австрия (Вена), Голландия (Лайден), Франция (Париж), Англия (Лондон, Оксфорд), АҚШ (Принстон), Швеция (Упсала), Италия (Болония), Россия (Санкт-Петербург), Жазоир (ал-Жазоир), Туркия (Истанбул), Миср (Қоҳира), Покистон (Пешовар ва Исломобод), Ҳиндистон (Рампур) қўлёзма архивларида сақланиши бу асарнинг қанчалар эътироф этилганлигини кўрсатади.⁵

Ҳидоя асарига ёзилган шарҳлар Ҳидоя китоби тўққиз асрдан буён ҳанафий мазҳаби бўйича энг муҳим ва мўътабар қўлланма сифатида барча мусулмон мамлакатлари мадрасалари ва исломий олий ўқув юртларида ўқитилиб келинмоқда. Унинг матни ва қисқартмалари устидан машҳур фақиҳлар томонидан 60дан ортиқ шарҳлар ва ҳошиялар ёзилиб, ушбу мазҳабнинг тарқалиши йўлида таъсирчан омил сифатида хизмат қилиб келгани ҳаммага маълум.⁶

⁵ Маълумот учун қаранг: Қориев О.А. Фарғона фикҳ мактаби ва Бурҳонуддин ал-Марғиноний. – Тошкент, «Фан», 2009. – Б. 203-209.

⁶ Мустафо ибн ‘Абдуллоҳ Румий алҳадис ҳанафий аш-шаҳир би Хожи Халифа. Кашф аз-зунун ‘ан асмо’ ал-кутуб ва-л-фунун. 2 жилдди. – Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981. Ж.2. – Б. 1356.



Ҳозирда бизгача етиб келган Ҳидояга ёзилган шарҳларнинг сони 35тадан ошади. Агар биз Ҳидоянинг қисқартмаси «ал-Виқоя» ва унинг қисқартмаси «Мухтасарул-виқоя» устида ёзилган кўп сонли шарҳларни ҳам назарда тутадиган бўлсак, унда Ҳидоя ва унинг қисқартирилган матнлари устида ёзилган шарҳлар сони 50 тадан ошади. Қуръони каримдан кейин ислом ҳуқуқининг асосий манбаларидан бири бўлмиш, Бухорийнинг «ал-Жомийъус-саҳиҳ» китоби бўйича, Броккелман «Араб адабиёти тарихи» китобида ёзишича 43та шарҳ ёзилган ва Немис исломшунос олими Аҳлварднинг ёзишича, фақатгина Берлиндаги қўлёзмалар рўйхатига унинг 60 та шарҳи киритилган.⁷ Айтиш мумкинки, Бухорий асаридан кейин, Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари, энг кўп шарҳга эга бўлган китоблардандир. Бу эса Ҳидоянинг қанчалик буюк илмий, амалий ва ҳаётий аҳамиятга молик эканлиги инкор қилиб бўлмайдиган далиллардан бири ҳисобланади.

Айтилганлардан яққол кўриниб турибдики, Ҳидоя китоби бугунги кунга қадар ислом ҳуқуқи бўйича барча соҳаларда ўз таъсирини ўтказиб келган ва фақиҳларнинг кўпчилиги, уларнинг мазҳабларидан қатъи назар, унга катта эътибор билан қараганлар. Шу сабабли унинг устидан жуда кўп шарҳлар ёзилиб, баъзан эса қисқартирилиб, қисқартмаси устидан ҳам кўп шарҳлар ёзилган. «Ҳидоя»ни Бухоролик Садр ашшариъа ўз невараси иккинчи Убайдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 747 х) учун қисқартирган. Тожушшариъа Маҳмуд ибн Садр ашшариъа биринчи ўз қисқартмасини «Виқоят арривоя фи масоил ал-Ҳидоя», деб атаб, унинг муқаддимасида Ҳидоя ҳақида қуйидагидек фикр билдирган эди: *«Ҳидоя» фахрланишга арзигулик бир нафис ва олий асар, тўлқинлантирувчи бир уммон, юксак ўринли, қимматли, ўз аниқ далиллари ва хужжатлари билан катта аҳамиятга эга, чексиз яхши томонлари ва аниқ жумлалари билан ҳаммага файзу барака манбаси бўлиб келган бир китобдир»⁸*

Ушбу асарни иккинчи Садр ашшариъа ҳам шарҳлаган (Шарҳ ал-виқоя) ва уни қисқартириб «Ниқоя» ёки «Мухтасар ал-виқоя» деб атаган. Ушбу «Ҳидоя» қисқартмаси устидан фақиҳлар томонидан араб, форс, турк, татар ва урду тилларида ўндан ортиқ шарҳлар ва улар устида ҳошиялар ёзилган.

«Мухтасар» ҳақида охирги катта шарҳ тошкентлик олим Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа томонидан ўзбек тилида ёзилиб, «Мажмаъ ал-мақсуд» номи билан икки жилдда 1917 йилгача Тошкент босмахоналарида икки марта 1080 бет ҳажмда нашр қилинган эди. Охирги қайта тўлдирилган нашри 2015 йили «Шарқ» нашриётида икки жилдда нашр этилди.⁹

Бундан ташқари Бурҳонуддин Марғинонийнинг Ҳидоя асарига Ҳисомуддин ибн Али Сиғноқий Ҳанафий шарҳ ёзиб уни «Ниқоя» деб атаган, Али ибн Зариф ал-Бухорий (икки жилдда шарҳ ёзиб, «Фавоид» деб атаган), Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Кокий («Мийрож ад-дироя» деб атаган), Абул Аббос Аҳмад ибн Ассоружий («Китоб ал-аймон»гача ёзиб, «ал-Иноя» деб атаган), қози Саъдуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад

⁷ Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. 3 жилдли. – Weimar-Berlin: Ҳай’а ал-мисриййа, 1898-1993.

⁸ Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида №.P.9445 рақам остида сақланаётган «Виқоят-арривоя» қўлёзма нусхаси. Б.1.

⁹ Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ-ул мақсуд // Мухтасар ал-Виқоянинг шарҳи. 2 жилдда. – Тошкент: «Шарқ», 2015.



Дайрий («Боб ал-муртад»гача олти жилдда шарҳ қилган), Жалолуддин Умар ибн Муҳаммад ал-Хаббозий ёзган ҳошия катта шуҳрат қозониб, Муҳаммад ибн Аҳмадул-Қунавий ушбу ҳошияни тўлдириб, «Такмилат ал-фавоид» деб атаган. Қавомуддин Амир котиб ибн амир Умар Итқоний Ҳанафий томонидан «Ғоят ал-баён ва нодират ал-ақрон» номли уч жилдлик шарҳ бўлиб, муаллиф ушбу шарҳни 26 йилу 6 ой давомида Ироқ, Бағдод ва Дамашқ шаҳарларида илмий фаолият олиб бориб тугатган. «Фатҳ ал-қодийр лил-ожиз ал-фақир» Камолиддин Муҳаммад ибн Абдулвоҳид Сийвосий Ибнул-Ҳумом ал-Ҳанафий томонидан «Китоб ал-вакола»гача ёзилган икки жилдлик шарҳ. Али Қорий мазкур шарҳ учун икки жилдлик ҳошия ёзган. Қозизода муфтий Аҳмад ибн Қўрд китобнинг шарҳини охиригача тўлдириб, Иброҳим ибн Муҳаммад Ҳалабий «Фатҳ ал-Қодир»ни бир жилд қилиб қисқартирган. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, «Фатҳ ал-қодир» ва унинг ҳошия ва қўшимчалари катта шуҳрат ва эътибор қозониб, Миср, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги мадрасаларда ўқитилган. Туркиялик олим Акмалиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд Бобартий томонидан «Иноя» номи билан ёзилган икки жилдлик шарҳ. Бу шарҳ Туркияда катта эътибор ва аҳамиятга эга бўлиб, муфтий Саъдуддин Тафтазоний унинг устида бир ҳошия ёзган.¹⁰

Ҳидоя асарининг таркибий тузилиши ва ёзилиш услуби Бурҳонуддин Марғиноний ёзган тўрт жилдлик «Ҳидоя» китоби, ҳанафий мазҳаби бўйича, энг муҳим ва мукамал ҳуқуқий манба сифатида 57 та китоб, 165та боб, 152та фаслдан таркиб топган бўлиб, мерос ҳуқуқидан ташқари, фуруъ ал-фикҳнинг барча соҳаларини қамраб олган. Бурҳонуддин Марғиноний мерос ҳуқуқини ўз китобига киргизмаганининг сабаби, Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳ мерос муаммоларини бир мустақил фан сифатида фикҳ илмидан ажратиб, уни «фароиз илми» деб атагани сабаблидир.

«Ҳидоя»нинг арабча матни 4 жилддан иборат бўлиб унинг ҳар бир жилди шарият нуқтаи назаридан ибодат ва ижтимоий ҳаётдаги турли хил муаммоларнинг шаръий-ҳуқуқий ечимига бағишланган.

Биринчи жилди 5 китобдан иборат бўлиб, таҳорат ва амалий ибодатлар намоз, рўза, закот ва ҳаж масалаларига бағишланган. Бу жилд 47 та боб ва 37 та фаслдан иборат.

¹⁰ «Ҳидоя» асарига яна қуйидаги шарҳлар ҳам битилган: Ибн Туркманий Мординий шарҳи, Қози Бадруддин Маҳмуд ибн Аҳмад ал-айний шарҳи, Ибну-ш-шаҳна Муҳибуддин Муҳаммад шарҳи, Мусанниф Али ибн Муҳаммад шарҳи, Аҳмад ибн Мустафо Тошкўбризода шарҳи, Аҳийзода Абдулҳалим ибн Муҳаммад шарҳи, Мавло Закариё ибн Байром ал-Муфтий шарҳи, Муслихуддин Мустафо ибн Закариё ибн Ойдугмиш ал-Қирмоний ёзган «Иршод ар-ривоя фи шарҳи-л-ҳидоя» номли шарҳи, «Зубдат ар-ривоя» номли қози Абдурраҳим ибн Али Омадий ёзган шарҳи, Ибн Абдулҳақ Иброҳим Али ад-Дамашкий шарҳи, Саййид шариф Али ибн Муҳаммад ал-Журжоний шарҳи, Аҳмад ибн Абилқодир ал-ҳанафий шарҳи, «Ал-лубоб» номли шарҳ, Муин ал-Ҳиравий шарҳи, «Равзат ал-ахбор» номли шарҳ, Абу Бакр ибн Муҳаммад ал-ҳасиний шарҳи, Иброҳим ибн Али ат-Туртусий шарҳи, Ибн Абдилло ал-ҳасиндий ад-Дихлий шарҳи, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Абул Аббос Тақюддин аш-Шаманий шарҳи, Исҳоқ ибн Али ибн Яҳё Абу Тоҳир Нажмуддин. «Ҳидоя»га ёзган ҳошияси, Жалолуддин ибн Шамсиддин ал-Хоразмий ал-Карлоний «Ҳидоя»га ёзган «Кифоя» номли шарҳи, Ҳасан ибн Али Ҳажжож ибн Али Ҳусомуддин Сигнокий «Ҳидоя»га ёзган «Ниҳоя» номли шарҳи, Самарқандий Ҳамидий ёзган таълиқ ва бошқа бир қатор қисқартмалар, шарҳлар, таълиқлар, турли мамлакатларда, айниқса, Ҳиндистон босмаҳоналарида нашр этилган «Ҳидоя» матни учун ёзилган муқаддималар ва ҳошиялар ҳам муҳим бўлиб, улар томонидан ёзилган муқаддима ва изоҳлар ушбу асарнинг туб мазмунига етиб бориш учун катта ёрдам беради. Маълумот учун қаранг: Мустафо ибн 'Абдуллоҳ ар-Румий ал-ҳанафий аш-шаҳир би Хожи Халифа. «Кашф аз-зунун 'ан асмо' ал-кутуб ва-л-фунун». 2 жилдли. – Макка: Мактаба ал-файсалийа, 1981. Ж.2. – Б. 1356, 1283, 1586.



Иккинчи жилдга никоҳ, эмизиш ҳуқуқи, талоқ қилиш, қулларни озод қилиш, топиб олинган болаларнинг насабини аниқлаш, топиб олинган нарса, қочиб кетган қуллар, бедарак йўқолганлар ва йўқолган буюмлар, шерикчилик шартлари, вақф ҳуқуқи каби масалалар киритилган. Бу жилд 60 та боб, 36 та фаслдан ташкил топган.

Учинчи жилд 14 та китобни ўзи ичига олади. Булар: савдо-сотик, саррофлик (яъни, пул айрбошлаш) масалалари, кафолат, ҳавола (яъни, қарзни бировга ўтказиш), қозиларнинг вазибалари, гувоҳлик бериш, берилган гувоҳликдан қайтиш, ваколат, даъво, иқрор бўлиш, сулҳ, музораба (яъни, бир ишга пул тикиш орқали шерик бўлиш), вадиъа (яъни, пулни сақлашга бериш), қарз бериш, совға, ижара, муайян шарт асосида чекланган озодлик берилган қуллар, волийлик (патронат), мажбур қилиш, ҳомийлик, қисман озод бўлган қуллар ва босқинчилик хусусидаги масалалар ўрин олган. Бу жилдда 36 та боб, 37 та фасл бор.

Тўртинчи жилдда эса, шофеълик ҳуқуқи (яъни, имтиёзли ҳуқуқ асосида сотиб олиш), меросни тақсимлаш, деҳқончилик ҳамда боғдорчиликка доир шартномалар, қурбонликка сўйиладиган жонлиқлар, қурбонлик қилиш шартлари, шариатга зид келадиган нарсалар ҳақида, ташландиқ ерларни ўзлаштириш хусусида, тақиқланган ичимликлар, овчилик, гаровга бериш ва олиш, жиноятлар, хун ҳақи тўлаш, васият каби ҳуқуқий масалалар ёритилган. Бу жилд 23 та боб, 38 та фаслдан иборат.

Ҳидоя муаллифи ниҳоятда муҳим ва мунозарали масалаларни ёритмоқчи бўлганда саҳобалар, мазҳаб асосчилари, буюк фақиҳлар исмлари, жўғрофий ва тарихий жойлар, турли тоифа ва қабилалар номларини зикр этади. Абдулҳай Лакнавий “Фавоид ал-Баҳия” асарининг муқаддимасида Ҳидоянинг биринчи қисмида зикр этилган саҳобалар ва тобеин исмлари 50дан кўпроқ, тоифа ва уруғлар номлари 12 та, жўғрофий ва тарихий жойлар номи 55 та эканлигини кўрсатиб, уларнинг ҳар бири ҳақида қисқача маълумот бериб ўтган. У Марғиноний асарида келган тўқсондан ортиқ буюк фақиҳлар, мужтаҳидлар, жумладан, машҳур саҳобалар ва муҳаддислар исмларини ҳамда уларга тегишли бўлган маълумотларни зикр этади. Шундан келиб чиқиб, Ҳидоя муаллифининг иши қанчалик оғир ва кенг қамровли эканлигини тушуниш қийин эмас.

Бурҳонуддин Марғиноний «Ҳидоя» китобида ҳуқуқий муаммоларни ечиш жараёнида нафақат тўртта асосий мазҳаб (Ҳанафий, Моликий, Шофеъий мазҳаблари), балки Зоҳирий ва Авзоъий мазҳабларига доир фикр ва мулоҳазаларни ҳам, ўрни келганда бериб ўтган ва ҳар бири ҳақида ўз нуқтаи назарини билдирган.

Бурҳонуддин Марғиноний Ҳидоя китобини ёзишда ўзига хос услуб яратди. Унинг ҳар бир ибораси ниҳоятда қисқа ва мухтасар, фикҳий ҳукмларни ифодаловчи жумлаларнинг ҳар бири бир умумий қоида шаклида берилади. Унинг иборалари мўъжаз, яъни қисқа ва сермазмун, сўзларининг таркиби пухта, нуқсонсиз бўлиб, сунъийликдан узоқ. У кўп зарурат сезмас, синоним сўзлардан фойдаланмайди. Ҳашв ва завоидни (керак бўлмаган ортиқча сўзларни) ишлатмайди. Унинг ёзиш услуби «саҳли мумтаниъ» (яъни, осон, содда, лекин унингдек қилиб ёзиш мумкин эмас) дир.

Муаллиф, Ҳидояни ёзишда ўзига хос бўлган қисқа сўзлар, истилоҳлар (атамалар) ва ихчам ибораларни ишлатади. Ушбу иборалар «Ҳидоя» устидан ёзилган кўп шарҳлар ва ҳошияларда муаллифлари томонидан изоҳлаб берилган. Мазкур манбаларга асосланиб, Ҳожи Халифа (Котиб Чалабий), Шайх Абдулҳақ Деҳлавий ва Абдулҳай



Лакнавий ўз асарларида уларни изоҳлаб ўтганлар. Улардан айримлари қуйидагилардан иборат:

Муаллиф асарда «*قال رضي الله عنه*» (Ундан Аллоҳ рози бўлсин айтади) деса, ўзини назарда тутган. Усманийлар қозиси Абу Суъуд айтади: «*Хидоя*» соҳиби қачон ўзининг сўзини келтирса, «*قال العبد الضعيف عفا الله عنه*» (Заиф банда, Аллоҳ уни афв қилсин, айтади), иборасини келтирган. Лекин вафотларидан сўнг баъзи шогирдлари бу иборани «*قال رضي الله عنه*» (қола родияллоҳу анху) иборасига ўзгартирганлар»¹¹.

Демак, муаллиф манманлик шубҳасидан сақланиш учун ўзини биринчи шахсда зикр қилмаган. Камтарлик улуғ фақиҳ ва муҳаддис роҳимаҳуллоҳнинг доимий одати бўлган.

Фақиҳ ўзи ихтиёр қилган мазҳаб далилларини энг сўнгида келтиради. Яна шундай доимий одатидан бири, гарчи буюк фақиҳларнинг сўзларини санаганда кўпинча биринчи бўлиб энг кучли сўзни келтирса, ихтилофли сўзларга далил келтирган вақтда охири келтирилган далил олдингисига жавоб ўрнида бўлиши учун энг кучли сўзнинг далилини охирида келтиради.

في ديارنا – «фи диёрна» (бизнинг диёримизда) деганда, у Мовароуннаҳр шаҳарларини назарда туттади.

قال مشايخنا «қола машойихуна» (бизнинг шайхларимиз, яъни устозларимиз дедилар)дан мурод, у Мовароуннаҳр (Бухоро, Самарқанд) олимларини назарда туттади.

Муаллиф «фиқҳ» сўзи билан, ақлий далилни ифодалайди. Масалан, «*الفقه فيه كذا*» (яъни ушбу масала ҳақида ақлий далил қуйидагидек...), Муаллиф ўзини худбинликдан сақлаш мақсадида «мен» сўзини ўз фикрини билдиришда ишлатмаган.

Унинг одатларидан бири шундаки, назарида маъқул кўринган мазҳаб далилини асар охирида келтиради. Қозизода Румий лақаби билан машҳур бўлган Зайниддин Шайх Муҳаммад Афанди «Натоижулафкор» китобида ёзишича, муаллиф турли мавзулар учун далил келтириш жараёнида энг кучли далилни ҳаммасидан охирида келтиради. Бундан унинг мақсади, охириги сўзни юқорида зикр этилган масала учун далил сифатида қўллашдир.

Муаллиф илгари зикр этилган оятга *بما تلونا* «бимо талавна» (тиловат қилганимизга биноан), ҳадисга *بما روينا* «бима ровайна» (ривоят қилганимизга биноан) ва илгари келтирилган ақлий, мантиқий далилга *بما نكرنا* «бима закарна» (зикр қилганимизга биноан) деган иборалари билан ишора қилади. Шунингдек, у «насс», яъни оят ёки ҳадис матнида келган иллат ёки сабабни текшириладиган масалани исботлаш учун мантиқий далил қилиб ишлатади. У кўпинча ақлий далилни, нақлий далилдан кейин келтиради. Туғилиши мумкин бўлган савол ёки эътирозга эса, *فان قيل كذا قلنا كذا* «фаин қийла каза, қулна каза» (агар бундай дейилса, шундай жавоб берамиз) иборасини ишлатган. У кўпинча ўраганаётган масала борасида, авваламбор, Абу Ҳанифанинг буюк шогирдлари Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийнинг қарашини, сўнгра далилини келтиради, ундан кейин Абу Ҳанифанинг қарашини зикр этиб, унинг далилини шундай изоҳлаб ўтадики, ҳар иккаласи учун жавоб бўлади. Муаллифнинг

¹¹ Kavakcı Y. Z. XI ve XII Asırlarda Karahanlılar Devrinde Ma vara' al-Nahr İslom Hukukçuları. – Анкара: Sevinç Matbaası, 1976. – XXIV. – Б 322.



ёзиш услуги, у ишлатган ўзига хос иборалар ва атамаларни яхши билиб олиш, «Ҳидоя»ни ўқиб, ундан фойдаланишга катта ёрдам беради.

Муаллиф «асл» деб айтса, бу билан Муҳаммад Шайбонийнинг «Мабсут» асарини назарда тутган. «Мухтасар» ва «Китоб» лафзларини зикр қилганда эса, «Мухтасар ал-Қудурий» асарини назарда тутади.

Кўрилаётган масала «Қудурий» ёки «ал-Жомеъ ас-Сағир»нинг масаласи бўлса, ёки «Бидоя»да зикр қилинган бўлса, сўз бошида «*قَالَ*» (айтди) лафзини зикр қилади. Агар юқоридагилардан бошқа асарларда зикр қилинган бўлса, «*قَالَ*» (айтди) лафзини зикр қилмайди»...¹²

Агар муаллиф *وَ الْحَدِيثُ مَحْمُولٌ كَذَا* «бу ҳадис фалон маънода» деса, ҳадис имомлари томонидан яқдил хулосага келинганига ишора қилади.

Агар *وَ الْحَدِيثُ نَحْمِلُ عَلَيْهِ كَذَا* «биз уни шу маънода деб ҳисоблаймиз», деса, ҳадис имомлари эмас, балки фақиҳнинг ўзи ушбу хулосага келганини тушиниш мумкин.

Қачонки *عِنْدَهُ* «фалончига кўра», деса, ўша кишининг мазҳабини назарда тутган бўлади. *عِنْدَهُ* «фалончидан» деса, у кишидан қилинган ривоят назарда тугилади.

النَّصِّ «Насс» сўзидан Қуръони карим оятлари ёки ҳадиси шарифларни назарда тутади.

«Зоҳир ар-ривоя»дан мақсад Муҳаммад Шайбонийнинг олти китоби, «Мабсут» (бу китоб «Асл» деб ҳам аталади), «Зиёдат», «ал-Жомеъ ал-кабир», «ал-Жомеъ ас-Сағир», «ас-Сияр ал-кабир» ва «ас-Сияр ас-сағир» асарларини назарда тутган.

«Ҳидоя»да қиёс сўзи ўз жойига қараб икки хил маънода ишлатилган. Биринчиси насда келмаган масалани насда келган масалага таққослаш ва унга бунинг ҳукмини бериш. Иккинчиси шариатда жорий бўлган умумий-куллий қоидаларда.

«Ҳидоя» асарида муаллиф кўпинча қиёс - умумий-куллий қоидаларни тарқ қилиб масалани истехсон - кўпчилик илғамайдиган нозик жиҳатини эътиборга олган. Бундан мақсад одамлар учун шариат кўрсатмаларини осон тушуниш ва уларга қулайлик яратишга эътибор қаратади.

“Ҳидоя” китобининг яна бир хусусияти шундан иборатки, унда муаллиф «илмул-хилоф» орқали белгилаб берилган қоидаларидан кенг кўламда фойдаланган.

«Илм алхилоф» фанига биринчи бўлиб асос солган аллома Абу Зайд Дабусий¹³ эди. Бурҳонуддин Марғиноний «Ҳидоя»да ҳуқуқий муаммоларни ечиш жараёнида фақат асосий мазҳабларгагина эмас, балки зоҳирий ва авзоъий мазҳабларига доир фикр-мулоҳазаларни ҳам ўрни келганда текшириб ўтади ва ҳар бири ҳақида ўз нуқтаи назарини билдиради. Ушбу нуқтаи назардан “Ҳидоя” «Илм алхилоф»ни кенг кўламда ўрганиш учун ҳам муҳим ва эътиборли манба ҳисобланади. Айни ҳолда уни охириги даврда янги бир фан сифатида юзага келган «қиёсий ҳуқуқ»нинг ўзига хос бир шакли деб ҳам қараш мумкин.

Марғиноний фикҳий нуқтаи назардан, ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш жараёнида, уларнинг машруъ (қонуний) ёки номашруъ (ғайриқонуний) эканлигини нақлий

¹² Аҳмад ибн Мустафо Тошқубризода. Мифтоҳ ас-са‘ода ва масобих ас-сийода. 11 жилдли. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-ҳадисийа, 1995. Ж.9. – Б. 248.

¹³ Мўминов А.Қ. Ҳанафий уламоларнинг марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тарих фан. докт. дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – Б 26.



далиллардан кейин, ақлий далиллар билан ёритиб ўтади. Ушбу нуқтаи назардан «Ҳидоя»ни ислом ҳуқуқи фалсафаси ва кейинги даврларда кенг ривожланган «ҳуқуқ фалсафаси» фанининг манбаларидан бири деб қабул қилсак, тўғри хулоса чиқарган бўламиз.

Ҳидоя асари таржималари «Ҳидоя» асари форс, инглиз, турк, урду, рус ва дунёнинг кўплаб бошқа тилларига таржима қилиниб, ғарб олимлари учун ҳам мазҳабимизни ўрганишда аҳамиятли манба сифатида фойдаланилаётгани бизни қувонтиради.

Бурҳонуддин Марғинонийнинг шоҳ асари «Ҳидоя» энг мўтабар ҳуқуқий қўлланма сифатида тўққиз асрдан буён бутун ислом дунёси, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳинд ярим ороли, Туркия ва кўпгина араб мамлакатлари учун энг дақиқ ва ишончли манбалардан бири сифатида эътироф этилган.

«Ҳидоя» Европанинг энг қадимги университетларидан Франциянинг Сарбон, Англиянинг Оксфорд университети, АҚШнинг Зайтуна олийгоҳи ва мусулмон оламининг энг қадимий ва нуфузли университетларидан алАзҳар, Афғонистон Ислом университети, Ҳиндистон Алигарҳ муслим университети, Девбанд дорулулуми, Покистон Карачи Халқаро ислом университети ва бошқа мусулмон мамлакатлари олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига киритилган. Бу машҳур китоб қонун тузиш тизимини ривожлантириш учун асосий манбалар сифатида қўлланиб келинмоқда. Бугунги кунда Ҳанафий мазҳаби таълимотига ихтисослашган ислом билим юртларида «Канз» ва «Қудурий» китобларидан кейин, «Ҳидоя»ни етук устоздан ўқиб тамомламаган толиб ҳақиқий фикр олими ҳисобланмайди.

«Ҳидоя»нинг энг дастлабки таржимаси 1190/1776 йилда Бангола ҳокими Имодуд Давла Масирволнинг топшириғи билан араб тилидан форс тилига мазкур шаҳар бош қозиси лавозимида бўлган Ғулом Яҳёхон Баҳорий, Мавлавий Тожуддин Банголий, Мир Муҳаммад Ҳусайн Эроний ва Мавлавий Шариатуллоҳ Самбҳалийлар томонидан амалга оширилган бўлиб, бу таржима *«Ҳидоя» ҳомили мутун ал-Бидоя маа таржимаи фурсий* номи билан 1808 йилда Калкутта шаҳрида нашр қилинган.¹⁴ Ана шу форсча таржимаси асосида Чарльс Хамелтон «Ҳидоя»ни инглиз тилига таржима қилиб, 4 жилдда 1791 йил Лондонда нашр эттирган. Мазкур таржимага асарнинг бевосита ибодатга оид дастлабки тўрт китоби («Таҳорат», «Намоз», «Рўза» ва «Ҳаж» китоблари) киритилмаган. Бунинг сабаби, мазкур таржимадан кўзланган мақсад, мустамлакачилар томонидан босиб олинган мусулмон мамлакатларида ерли аҳолини бошқаришда фойдаланишни мақсад қилинган бўлиши мумкин.¹⁵

1806 йилда Ҳиндистонда ҳукмронлик қилиб турган инглизлар мазкур икки таржимани қиёслаб кўришни Деҳли мадрасаларининг бирида ҳанафий фикридан дарс берувчи мударрис Муҳаммад Рошид ибн Зиёвуддин Муҳаммад Бардавонийга

¹⁴ Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 200. – Б. 31-32.

¹⁵ Хидоя. Комментарий мусульманского права. Отв. ред. и авт. вступ. статьи и комментарий А.Саидов. Ташкент: Ўзбекистон, 1994. – С.40.



топширадилар. У форсий таржимада тушириб қолдирилган ўринларни, таржима қилинмаган атамалар ва баъзи камчиликларни қайта тузатиб чиқади.¹⁶

1870 йил С.Г.Гарийнинг назорати остида «Ҳидоя»нинг мухтасар шакли ўлароқ яна бир инглизча мухтасар таржимаси бир жилдлик ҳолда чоп этилган. Охирги марта инглизча мухтасар таржимаси 1982 йил Лоҳурда босмадан чиққан.

Н.И.Гродеков 1893 йилда «Ҳидоя»ни инглизча таржимасидан рус тилига ўгирган. Бу ўринда мазкур таржималардан кўзланган мақсадлардан қатъий назар улар араб тилидан хабардор бўлмаган ислом ҳуқуқи билан шуғулланувчи мутахассислар учун ҳозирги кунимизга қадар асосий қўлланмалардан бири бўлиб келмоқда.

Олмониялик олим Экарт Шийвак тўплаган маълумотларга кўра, «Ҳидоя»нинг машҳур нашрлари қуйидагилардан иборат: арабча асл матни 1818 йил Калкуттада, сўнгра Бомбей, Лакнов, Саҳаранапур, Деҳлида чоп этилган. XIX асрда Қоҳирада, шу асрнинг охирида Татаристоннинг (1888 йил) Қозон шаҳрида босилган. Унинг биринчи танқидий матни 1908 йил Қоҳира шаҳрида нашр этилган ва энг сўнгги таҳририй матни ҳам 1980 йили Қоҳирада нашр қилинган.

Бизнинг давримизда амалга оширилган «Ҳидоя» асарининг таржималари сирасига 1991 йилда исломшунос олим Аҳмад Мейланнинг Анқарада чоп этилган араб тилидан турк тилига қилган таржимасини ҳам киритиш мумкин.

Ҳидоянинг русча таржимаси нусхалари камайиб, йўқолиш даражасига етган эди. Шу сабабли, юқоридаги русча таржимаси асосида 1994 йили академик Акмал Саидов томонидан «Ўзбекистон» нашриётида унинг биринчи жилди катта ададда нашр қилиниши муҳим ва хайрли иш бўлди.¹⁷ Кейинчалик академик Акмал Саидов «Ҳидоя»нинг қолган қисмини ҳам рус тилида нашр эттирган лекин таржима жараёнида кўплаб ҳато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Ҳидоя араб тилидан ўзбек тилига илк мартаба таниқли олим, Салоҳиддин Муҳиддинов раҳбарлигида бир гуруҳ ёш олимлар томонидан биринчи жилди (яъни, талоқ китобигача) таржима қилиниб, 2001 йил «Адолат» нашриётида босмадан чиқарилган аммо ушбу таржима охиригача яқунланмай қолган.

«Ҳидоя» фақат ислом ҳуқуқшунослари учун эмас, балки Фарб ҳуқуқшунос олимлари учун ҳам жуда эътиборли ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилиб келмоқда. 1958 йили Мажид Ҳаддурий ва Ҳеберт Ж.Либес томонидан нашр этилган «Исломда ҳуқуқ» номли китобда асосан «Ҳидоя»дан кенг фойдаланилган.¹⁸

Ҳидоя асарининг тўлиқ ўзбек тилидаги изоҳли ва академик таржимаси ва унинг ҳозирги кун учун аҳамияти хусусида Жаҳонда юз бераётган кескин ғоявий курашлар, диний мутаассиблик билан боғлиқ ихтилофларни тинч йўл билан ҳал этиш ислом илмларига оид янгича фикр ва ёндашувлар асосидаги демократик тамойилларга мос тадқиқотлар олиб бориш заруратини кучайтирмоқда. Бу борада маърифий ислом, жамият ва инсон ўртасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда уларнинг

¹⁶ Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 200. – Б.32.

¹⁷ Ҳидоя. Комментарий мусулманского права. Отв. ред. и авт. вступ. статьи и комментарий А.Саидов. Ташкент: Ўзбекистон, 1994. – 480 с.

¹⁸ Islam Ansiklopedisi. Vol. XVI. – Istanbul: Hanefi Mezhebi-Naya, 1997. – Б.105.



ривожланиш босқичларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. «Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Чунки ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади».¹⁹

Ўрта асрларда яшаб ижод этган мовароуннаҳрлик фақиҳ аллома ва мутафаккирлардан катта хажмдаги ноёб қўлёзма манбалар мерос бўлиб қолган. Ўзбекистон китоб фондларининг ўзида юз мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ҳали тадқиқотга жалб этилмаган қўлёзма асарлари юртимизнинг, шунингдек, Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон каби кўплаб хорижий мамлакатлардаги кутубхоналарнинг «олтин фонди»ини ташкил этади. Ушбу фондларда юртимизнинг ижтимоий муносабатлари тарихига оид манбаларнинг сақланаётгани уларни илмий муомалага киритиш борасидаги изланишларни янада кенг қўламда олиб боришни тақозо этмоқда.

Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ҳам Ўзбекистон тарихида ҳуқуқий маданиятни юксалишига беназир хизмат қилган асарлар сирасига киради. Дарҳақиқат «Ҳидоя» ҳар қандай онгли кишини фикрлашга ундайди.

Албатта, қуввайи хотирага энг аввало Шарқ ижтимоий-ҳуқуқий тафаккури, маданияти маҳсули бўлган ҳам муҳим амалий аҳамиятга, ҳам юксак илмий-тарихий қийматга эга бундай асарларни буюк бобокалонларимиз ўн асрлар муқаддам ярата олган эканлар, улар қуруқ жойдан пайдо бўлмаган, деган фикр келади. «Ҳидоя» каби асарлар яратилиши учун шунга яраша шарт-шароит, ижтимоий онг ва тафаккур, маданият ва маънавият даражаси, энг муҳими, умумлаштиришга, хулоса чиқаришга арзигулик муайян амалий ижтимоий-ҳуқуқий тажриба бўлмоғи зарур.

«Ҳидоя» китоби фикҳ илмига оид деярли барча асосий масалаларни ўзида жамлаган. «Ҳидоя» мавзу жиҳатидан жуда кенг қамровли ва сермазмун асар.

Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари «Фатво» жанрида ёзилган фикҳ китоблар сирасига кирмайди. Балки бир шаръий масала устида бошқа мазҳабларнинг қарашларини Ҳанафий фикҳ намоёндалари билан қиёсий таҳлил қилиш асосида ёзилган асардир.

Шунин учун китобхон «Ҳидоя» асарини ўқир экан, муаллифнинг ақл-заковати, ҳаётий тажрибаси, мантиқли гаплари ва мисолларига мафтун бўлади, унда келтирилган илмий, ҳуқуқий, диний далилларга ишонч ҳосил қилади, асар муаллифининг тилига, бадий тасвир маҳоратига қойил қолади.

«Ҳидоя» ҳозирги давр ҳуқуқшуносларига, умуман ўтмиш тарихимизга қизиқувчи барча ўқувчиларга маънавий руҳ ва қувват беришига, Аллоҳ таолодан умид қиламиз.

«Ҳидоя»нинг ҳуқуқий қиймати шундаки, унинг муаллифи ўз фикрларини турли далиллар воситасида исботлаб, мустаҳкамлаб боради. Қарашлари ўқувчига тез ва тушунарли етиши учун турли манбаларни келтиради.

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Ма'rifat, 2017 йил, 20 сентябрь.



«Ҳидоя» тилининг соддалиги билан китобхонни ўзига тортади. Марғинонийнинг баён услуби асарни барча учун бирдек, ўқимишли қилган.

«Ҳидоя» бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида, жумладан, Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланиб, Ўзбекистонда 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин ҳам, то 30-йилларгача шарият қозилари бекор қилиниб, шўро суд тизими жорий қилингунга қадар амалда бўлиб келди.

«Ҳидоя» асари Халқаро ислом Академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошидаги Имом Бухорий номидаги Ислом институти ва бир қатор диний ўқув юртларида, талабаларга шарият нормаларини ўргатишда асосий дарслик сифатида қўлланиб келинмоқда.

Ушбу туркумда энг мўътабар фикҳий асарлардан бири саналган, миллий давлатчилигимиз ва ҳуқуқимиз тарихидан, Ўрта асрлар ижтимоий муносабатлардан ҳикоя қилувчи ушбу мўътабар асарнинг тўлиқ таржимаси сиз азиз ўқувчиларга қимматли маълумотларни беради. Биз Аллоҳ таолодан тавфиқ ва ёрдам сўраган ҳолда ушбу асарни бугунги кун ўзбек тилига таржима қилиб, уни сиз азизлар эътиборига тақдим этишимиз бизларни беҳад мамнун этади. Агар ушбу камтарона изоҳли таржимадан фойда олсангиз Аллоҳ таолодан деб билгайсиз. Улкан ва бой ҳуқуқий меросимизга оид ноёб китобларни ўзбек тилида чоп қилиниши ўзбек халқи учун жуда катта рамзий маънога эга. Ҳар қандай юртимиздан етишиб чиққан мутафаккирни эъзозлаш, уни ҳурматлаш, хотирасини ёд айлаш, ижодига ҳаққоний баҳо бериш асарларини ўрганиш ва халқ оммасига тақдим этиш соҳа мутахассисларининг бурчидир.

Кўлингиздаги ушбу китоблар мажмуаси «Ҳидоя фил-фуруъ» (фикҳ соҳалари ҳақида Ҳидоя) асарининг ўзбек тилидаги илк бор тўлиқ ҳолда қилинган илмий, изоҳли-академик таржимасидир.

«Ҳидоя» араб ёзувида ёзилганлиги ва охири юз йиллик даврида мазкур имло муомаладан чиқариб ташланиб, халқимизнинг бу борадаги саводхонлиги қарийб йўқ даражага тушиб қолганлиги сабаб кўпчилик халқимиз уни ўқий олмай қолган эди. Шунинг учун араб ёзуви ва тилини яхши билмайдиган бизнинг давримизда, илмга, маърифатга ва фикҳ илмини билишга чанқоқ халқимизни ўйлаб, «Ҳидоя»нинг минтақамиз халқлари учун ҳозирча кенг истеъмолда бўлиб турган имлода нашр этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

«Ҳидоя»нинг ўзбек тилига илк бор амалга оширилган ушбу илмий, изоҳли-академик тўлиқ таржимаси қуйидаги жиҳатлари билан бошқаларидан фарқ қилади: - Таржимада Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси манбалар хазинасида Инвентар рақам: № 3148 остида сақланаётган, «Ҳидоя» асари асос қилиб олинди. Ушбу қўлёзма нусха 2003 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Раҳбарияти томонидан Тошкент ислом университети Манбалар хазинасига туҳфа қилинган. Ушбу нусха асарнинг, қадимий қўлёзмаларидан бири бўлиб, «Китоб ат-таҳорат» билан бошланади ва «Китоб ал-хунса» (Хунасалар китоби) билан якун топган. Мазкур қўлёзма XIII асрга оид бўлиб, нусха 900 вароқдан иборат, насх хатида кўчирилган.



- «Ҳидоя» асарининг арабча матни 2019 йилда Мадинайи Мунавваранинг «Дор ас-сирож» нашриётида араб тилида нашр этилган тадқиқоти билан танқидий матншунослик жиҳатидан қиёсланган;
- Таржимада арабий матнда келган усул ва фуруъ фикҳига доир қоидаларни мисоллар келтириш орқали изоҳлаб кетилган;
- Илмий жамоатчилик ва китобхонлар оммасини назарда тутиб Ҳидоянинг асл матнини бериш билан бирга таржимасида изоҳ талаб фикҳий масалаларга мисоллар орқали изоҳлар берилган;
- Жамолиддин Абу Муҳаммад ибн Юсуф Зайлаъийнинг «Насб ар-роя фи аҳадис ал-Ҳидоя» ҳамда Ибн Ҳажар Асқалонийнинг «ад-Дироя фи таҳриж аҳадис ал-Ҳидоя» асарлари асосида Ҳидоя матнида келган ҳар бир ҳадис ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб кетилган;
- Асарда номи келган ўқувчиларга маълум бўлмаган жой номлари бугунги кунда қандай номланиши географик жиҳатдан қайси давлат ҳудудида жойлашгани кўрсатиб ўтилган;
- Муаллиф яшаган даврдаги ўлчов бирликларини бугунги кундаги ўлчов бирликлари билан қиёслаб таҳлил ва тадқиқ қилинган;
- Ўқувчига маълум бўлмаган буюк фақиҳлар, уларнинг асарлари ва саҳобалар ҳақида қисқача маълумотлар берилган;
- Олдинги таржималардан фарқли равишда ушбу китоб дастлаб арабча матни, тузатилган ва таҳрир қилинган шаклда, сўнг матн таржимаси содда ва равон ўзбек тилида изоҳли таржима қилинган;

Тажрибадан маълумки, толиби илмлар учун “Ҳидоя” асари каби фундаментал асарлар матнларини ўзлаштириш қийин бўлганлиги сабабли ҳозирги диний ўқув юртларида Ҳанафий фикҳ китоблари тўлиқ ўқитилмайди. Ушбу ҳолатни эътиборга олиб бўлажак мутахассислар буюк фақиҳларимизнинг асарларидан тўлиқ маълумот олишсин деган мақсадда, китобни арабча матнини ҳам, ўқишни қулайлаштирилган шаклда берилган. Матн тўлиқ тушунарли бўлиши учун қавс ичидаги жумланинг мазмунини тўлдирувчи изоҳлар бериб ўтилган;

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бурҳониддин Марғиноний мусулмон ҳуқуқшунослиги тарихида чуқур из қолдирган, саккиз асрдан буён дунё ҳуқуқшунослари диққатини ўз Ватани Марғилон, Фарғона, Ўзбекистонга жалб этиб келган буюк аллома ва иқтидорли фақиҳдир. Унинг шоҳ асари “Ҳидоя” ҳозирги кунгача нодир фикҳий асар сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Ma'rifat, 2017 йил, 20 сентябрь.
2. Саид Бектош. “Таҳқиқ ал-Ҳидоя”. – Мадина ал-Мунаввара: Дор ас-сирож, 2019.- Ж.I. – Б.7.



3. Одил Қориев. “Бурҳонуддин ал-Марғиноний - ҳуқуқшунос” / «Шарқшунослик» тўплами. Т., 1993й. №4. Б.71-75;
4. Dr. Aytmamat Kariev. Burhaneddin el-Merginânî'nin “el-Hidâye” isimli eseri ve hukuk ilmindeki yeri // Orta Asya alimlerinin islam medeniyetine katkıları: Kongreler dizisi (10-12 Ekim 2018 Bişkek / Kirgizistan). – 11s.
5. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. «Мунтахаб а’лом ал-ахёр фи табақот ҳанафий ал-мухтор». – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлғезмалар фонди // Қўлғезма № 91. – В. 98^б-155^а
6. Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий. «Ал-Фаво’ид ал-баҳиййа фи тарожим алҳадисанафиййа» / Аҳмад аз-За’бий таҳрири остида. 1-нашри. – Байрут: Дор ал-арқам ибн ал-арқам, 1418/1998. – Б. 201.
7. Бартольд В.В. История Туркестана // Бартольд В.В. Соб.соч. в 9 т. Т. II. Ч.I. М., 1963. – С.250.
8. Лыкошин Н.С. Автор Хидаи // Туркестанские ведомости. 1907. № 106. – С. 64.
9. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳиййа фи тарожим ал-ҳанафиййа / Аҳмад аз-За’бий таҳрири остида. 1-нашри. – Байрут: Дорул-арқам ибн ал-арқам, 1418/1998. – Б. 223.
10. Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – Б. 45.
11. ЎЗР ФА ШИ Қўлғезмалар хазинаси, инв № 4624, №5748.
12. Акмалиддин Бобартий “ал-Иноя шарҳил-Ҳидоя”. –“Дор ал-кутуб ал-илмиййа”. – Байрут, 1971 й. – Б. 8.
13. Мажид Хаддурий, Херберт Ж.Лебисни. «Ислонда ҳуқуқ». – ТехронНью Йорк, 1958. – Б. 82.
14. Қориев О.А. Фарғона фикҳ мактаби ва Бурҳонуддин ал-Марғиноний. – Тошкент, «Фан», 2009. – Б. 203-209.
15. Мустафо ибн ‘Абдуллоҳ Румий алҳадис ҳанафий аш-шаҳир би Хожи Халифа. Кашф аз-зунун ‘ан асмо’ ал-кутуб ва-л-фунун. 2 жилдли. – Макка: Мактаба ал-файсалиййа, 1981. Ж.2. – Б. 1356.
16. Brockelmann С. Geschichte der arabischen Litteratur. 3 жилдли. – Weimar-Berlin: Ҳай’а ал-мисриййа, 1898-1993.
17. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида №.Р.9445 рақам остида сақланаётган «Виқоят ар-ривоя» қўлғезма нусхаси. Б.1.
18. Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ-ул мақсуд // Мухтасар ул-Виқоянинг шарҳи. 2 жилдда. – Тошкент: «Шарқ», 2015.
19. Мустафо ибн ‘Абдуллоҳ ар-Румий ал-ҳанафий аш-шаҳир би Хожи Халифа. «Кашф аз-зунун ‘ан асмо’ ал-кутуб ва-л-фунун». 2 жилдли. – Макка: Мактаба ал-файсалиййа, 1981. Ж.2. – Б. 1356, 1283, 1586.
20. Kavakcı Y. Z. XI ve XII Asırlarda Karahanlılar Devrinde Ma vara’ al-Nahr İslom Hukukçuları. – Анкара: Sevinç Matbaası, 1976. – XXIV. – Б 322.
21. Аҳмад ибн Мустафо Тошқубризода. Мифтоҳ ас-са’ода ва масобиҳ ас-сийода. 11 жилдли. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-ҳадисиййа, 1995. Ж.9. – Б. 248.



22. Мўминов А.Қ. Ҳанафий уламоларнинг марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тарих фан. докт. дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – Б 26.
23. Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 200. – Б. 31-32.
24. Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 200. – Б.32.
25. Хидоя. Комментарийи мусулманского права. Отв. ред. и авт. вступ. статьи и комментарий А.Саидов. Ташкент: Ўзбекистон, 1994. – 480 с.
26. Islam Ansiklopedisi. Vol. XVI. – Istanbul: Hanefi Mezhebi-Naya, 1997. – Б.105.